



AJDOD TILI, AVLOD TILI – DAVLAT TILI!

TANABAYEVA SH.Q.,

STARS IU 1-kurs talabasi

Rahimjanov M.N.,

STARS IU dotsenti, PhD;

<https://doi.org/10.47689/STARS.university-pp232-236>

Annotatsiya: xalqimizda «oldingdan oqqan suvning qadri yo'q», degan ibora bor. Buni men bejizga keltirmayapman va u aynan biz o'zbekistondagi millatdoshlarga qarata aytilgan achchiq so'zday tuyulaveradi. Nimaga deysizmi, chunki biz dunyolarga dars bergan buyuk ajdodlarimizning mutlaq merosxo'ri bo'la turib, ya'niki o'zbekiston atalmish obod diyorda farovon hayot kechirib, yurt tuprog'i sog'inchi, tildoshlar va eldoshlar sog'inchi nima ekanligini his qilma-gan holda umrguzaronlik qilib kelmoqdamiz. Endi tasavvurga ham bir erk berib ko'ring: qanchadan-qancha o'zbeklar ayni paytda yer yuzining turli nuqtalaridagi boshqa mamlakatlarda muhojirlikda, boshqa tuzum, boshqacha tutumda hayot kechirib kelishmoqda. Ammo ularning aynan o'z tiliga bo'lgan ehtiromi bizni uyal-tirib qo'yadigan darajada butunlay o'zgacha.

Tayanch iboralar: mutaxassis, jahon ahli, davlat tili yoki rasmiy til maqomi, o'tmish, o'zbek tili, turkiy til, mubolag'a, ona tilimiz, umrboqiy, obod diyor, farovon hayot, yurt tuprog'i sog'inchi, tildoshlar va eldoshlar sog'inchi.

Мутахассисларнинг фикрича, жаҳон аҳли бугунги кунда 7000 дан зиёд тилда гаплашар ва буни қарангки, уларнинг фақатгина 200 га яқинида дав-лат тили ёки расмий тил мақоми мавжуд экан. Ўтмишда 9000 дан ортиқ тил мутлақ йўқолиб кетганлиги ҳам асослантирилади. Бирор-бир тилнинг яшаб қолишини таъминлаш учун ундан камида 1 миллион киши фаол фойдаланиши керак, дейди соҳа ўрганувчилари.

Муболаға қилмаётган бўлсам, бугунги кунда Ер юзида 50 миллионга яқин аҳоли ўзбек тилида сўзлашади. Бу рақамлар она тилимизнинг умрбоқийлиги-ни мустаҳкам белгилаб турувчи омилардандир, албатта.

Халқимизда «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деган ибора бор. Буни мен бежизга келтирмаяпман ва у айнан биз Ўзбекистондаги миллатдошлар-га қарата айтилган аччиқ сўздай туюлаверади. Нимага дейсизми, чунки биз дунёларга дарс bergan буюк аждодларимизнинг мутлақ меросхўри бўла ту-риб, яъники Ўзбекистон аталмиш обод диёрда фаровон ҳаёт кечириб, юрт тупроғи соғинчи, тилдошлар ва элдошлар соғинчи нима эканлигини ҳис қил-маган ҳолда умргузаронлик қилиб келмоқдамиз. Энди тасаввурга ҳам бир эрк бериб кўринг: қанчадан-қанча ўзбеклар айна пайтда Ер юзининг турли нуқталаридаги бошқа мамлакатларда муҳожирликда, бошқа тuzum, бошқача тутумда ҳаёт кечириб келишмоқда. Аммо уларнинг айнан ўз тилига бўлган

эҳтироми бизни уялтириб қўядиган даражада бутунлай ўзгача. Мен тақдир тақозоси билан АҚШда яшаб қолган бир ўзбек оиласи мисолида мана шу сўзларни айтгим келади.

Узоққа бормайлик, ёнгинамиздаги афғонистонлик ўзбекларнинг она тилимизга юксак эътиборини кузатиб, хижолат тортиб кетасан киши.

Бош Қомусимизнинг 4-моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир», деб белгилаб қўйилган бўлса-да, ҳеч бир тилдан кам бўлмаган гўзал она тилимиз ўз забонимизга тўлақонли қайтариб берилганига ва эркимиз қуёши бошимизда порлаб турганига ҳам нари-бериси билан 30 йил тўлди. Аммо бу давр ўзни таниб олмоқ учун асло камлик қилмайди!

Тўғри, бу йўсинда улкан эврилишлар содир бўлгани ва бўлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Хусусан, буюк аждодларимиз руҳи олдида юзимиз анча ёруғ бўлди. Улардан қолган бемисл мерослар ўрганиляпти, тадқиқ этиляпти.

Бироқ ўзлик йўлидаги барча эзгу ишларнинг аввали она тилимизга эҳтиромдан ва ўрнатилажак муносиб муносабатдан бошланмоғи лозим, шундай эмасми?!

Шу кеча-кундузда таниқли адиб ва публицист Хайриддин Султоннинг «Ҳақиқат жамоли» номли янги китоби мутолаасидаман. Мазкур китоб муаллифнинг қирқ йиллик ижодий фаолияти давомида ёзилган мақола, бадиа ва суҳбатларидан саралаб олинган битиклардан таркиб топган. Дастлаб китобни бугунги кун руҳидан анча олис бўлса керак деган хаёлда қўлимга олдим. Зум ўтмай, фикрим ўзгарди. Куюнчаклик кайфиятидаги ҳар бир мақола ва суҳбат бир-бирини давом эттириб борарди гўё.

Ўй-хаёлимда эса сиз ўқиб турган мақолани ёзиш фикри турарди. Устоз ижодкорнинг 1989 йил февраль ойида (даврига эътибор беринг!) «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида чоп қилинган «Ҳаёт дарахти» мақоласини ўқий туриб, донг қотдим. Ҳайронлигим сабабини сўрамаслигингиз учун мақоладан парчалар келтираман:

«... Ҳозир республикамызда ўзбек тилига давлат тили мақомини (статуси) бериш ҳақида ҳар турли фикрлар мунозара қилинмоқда. Назаримда, бунга қаршилиқ билдираётганларнинг аксарияти ўз она тилини билмайдиган, қандайдир сабабларга кўра бу тилда оғзаки ва ёзма фикрини равон баён қилолмайдиган кишилардир. Чингиз Айтматов бунақа кимсаларни «миллий нигилистлар» деб атаган эди. Бундай кишилар ҳозирги кунда каттагина бир қатламни ташкил этади... Бу тоифа кишилар, айниқса, бошқарув идораларида, ўрта ва юқори бўғиндаги мансабдор шахслар орасида кўплаб учрайди. Тарихий илдизларидан узилган, она тилига, миллий ўзига хосликка беписанд муносабат билан умри ўтаётган бу одамлар шафқатга сазовор, қайта тарбияга муҳтождирлар...»

«...Шоир Эркин Воҳидовнинг гувоҳлик беришича, Алишер Навоий юбилейида ёлғиз бир киши ўзбек тилида гапирган, у ҳам бўлса, ленинградлик олим ва таржимон Сергей Иванов бўлган экан...»

«...Миллий тилга бундай муносабат миллий маданиятга ҳам беписанд муносабатни вужудга келтирди. Умумий лоқайдлик матбуот тилига, бадиий тилга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди. Юрак кучи билан эмас, билак кучи билан ёзилган талай семиз китоблар тилимиз қабристонига айланди...»

«...Тил масаласи — жиддий масала. Демак, уни чинакам маъруф кишиларга хос ақл-заковат ва янгича тафаккур билан ҳал этиш лозим...»

«...Ўйлайманки, республикамизда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилишига Ўзбекистондаги қалбан интернационалист бўлган барча кишилар хайрихоҳ бўладилар...»

Ушбу сўзларни ўқирканман, яқиндагина Ўзбекистонда икки тиллиликни ёқлаб чиққан «бир гуруҳ зиёлиларнинг алаҳсирагани» ва бу ҳолат ижтимоий тармоқларда кескин қораланиб, узоқ муҳокамаларга сабаб бўлгани кўз олдимдан ўтди. Хўш, энди айтинг-чи, бу мақола қайси даврга тегишли: кечанинг гапими ёки бўлмаса бугунги кунимиз оғриқларими?..

Энг алам қиладигани ва ҳайрон қолдирадигани — 32 йил олдин айтилган гапнинг бугунги кунимизга ҳам мос тушиб турганлигидир.

Агар турли давр эгаларининг фикрларидан мисол келтиришда давом этсак, юрагимиз ачишади. Маърифат фидойиси Абдулла Авланийнинг «Ҳифзи лисон» мақоласида мана шундай ўтли сўзлар қайд этилган:

«Миллий тилни йўқотмак — миллатнинг руҳини йўқотмақдир. Ҳайҳот! Биз туркистонлилар миллий тилни сақламак бир тарафда турсун, кундан-кун унутмак ва йўқотмақдадурмиз...»

Ё-ҳу! Бизга на бўлди? Боболаримиз йўлидан чиқиб кетдук!»

Ўзбек - азалдан болажон халқ. Ҳар биримиз фарзандларимизнинг буюк аждодларимиз сингари оламга машҳур инсонлар бўлиб етишмоғини чин юракдан истаймиз. Уларнинг ёрқин келажаги йўлида ҳар қандай мушкулотларга кўксимизни тутамиз. Бироқ бугунги кунда жондан азиз фарзандининг бошқа тилли мактабларда таҳсил олишини истаётганлар ҳам кам эмас. Оламшумул мақсадлар йўлидаги бу уринишлар, балки, маълум маънода, ўзини оқлар, аммо ўз она тилини қойиллатиб ўрганмаган, таъбир жоиз бўлса, сўзларимиз сеҳрини ҳис қилмаган, ўзаро айтиб турган гапининг тенг ярмини эса бошқа тилдаги «олифта сўзлар» эгаллаган ёшларнинг ютуқлари бизнинг миллий равнақимизга улуш бўлиб қўшила олармикан?!

Маърифатпарвар аллома ва ўз даврида ўнга яқин дунёвий тилларни пухта ўрганган олим Исҳоқхон Ибратнинг ушбу сўзларига эътибор қаратайлик: «Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат — бу ватаний ишдир».

Хайриятки, диққатимиз марказидан анча олислаб кетган ўз она тилимизга муносабат масаласи бугун яна кун тартибига кўтарилди. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббускорлиги остида ўзбек тилига бўлган эътиборимиз янада жонланмоқда. 2019 йилнинг 21 октябрь куни зиёлилар иштирокида бўлиб ўтган катта анжуманда Давлатимиз раҳбари тилимизнинг мавқеи ҳақида: «Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили - халқимиз учун миллий ўзлгимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир», - дея таъкидладилар. Ва айнан ушбу тадбирда «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга имзо чекканини айтганида барча қатнашчилар бу сўзларни улкан кўтаринкилик билан қарши олишди.

Муҳтарам Президентимиз қаерда ва қай мавзуда маъруза қилмасинлар, юрт келажаги бўлмиш ёшлар масаласини бот-бот илгари сурадилар ва мана шу йўсиндаги сўзларини келтириб ўтадилар:

«...Ёш авлод қалбида она тилимизни болаликдан сингдириш мақсадида таълимнинг барча босқичларида ўзбек тилини замонавий ва инновацион технологиялар асосида мукамал ўргатишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Токи болаларимиз ўзбек тилида равон ўқийдиган, равон ёзадиган ва теран фикрлайдиган инсонлар бўлиб етишсин».

Ушбу даъватлар ҳар бир ватандошимизни ҳушёр торттирмоғи ҳамда фарзандлар камоли йўлидаги улкан ишларга отлантирмоғи лозим.

«Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга кўра, 21 октябрь санаси юртимизда «Ўзбек тили байрами куни» деб белгиланди. Она тилимизнинг келгуси тараққиётига оид кўплаб масалалар қаторида давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини, соҳага оид муаммоларни таҳлил этиб, бу борада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш бўйича алоҳида тузилма ташкил этилди. Янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш борасидаги ишларни тартибга соладиган Атамалар комиссияси ўз ишини бошламоқда. Яқин келажакда «Давлат тили ҳақида»ги Қонун бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиниб, янада такомиллаштириш ишлари ҳам кўзда тутилган.

Биргина шу эмас, албатта. Жорий йилнинг 20 январь куни бошланган хайрли ишларнинг узвий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Бу каби саъй-ҳаракатларнинг барчасида, аввало, халқ фикри энг асосий мезон сифатида қаралиб, барча муҳим ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий қарорлар юртдошларимиз билан бамаслаҳат қабул қилинаётгани фуқароларда ижтимоий фаоллик ҳиссини кучайтирмоқда. Кўпгина долзарб масалалар қатори давраларда давлат тили, миллий ғурур, орият, тарих ва қадриятлар ҳақидаги қизғин баҳс-мунозараларга барчамиз шоҳид бўлиб турибмиз.

Бу каби баҳсларда ҳар хил фикрлар ҳам қулоққа чалинади, албатта.

«Бизнинг дунёга чиқишимиз учун илғор тилларнинг кўмаги зарур. Шу мақсадда... ва ҳоказо.»

Биз ҳам сиз ўйлагандай мақсадларни катта олганмиз ва насиб этса, уларга, албатта, эришамиз! Аммо бу борадаги биргина шарт ҳаёлимиздан кўтарилиб қолмаса бўлгани: бошқа тилларга меҳр-у ихлосимизни баландлатишда давом этаверайлик, лекин бу ишимиз ўз она тилимизнинг камситилиши эвазига бўлмасин, биродар!

Барча билиши лозим бўлган жиҳат шуки, она тили шунчаки сўзлашув воситаси эмас, балки Ватанга муҳаббат, миллий ифтихор, аждодларга ҳурмат ва шунинг баробарида авлодларимизга иззат рамзи ҳамдир. Ўз тилини асраб-авайлаган халқ ўзлигини ҳам асраб-авайлаган бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий олами юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 4 август.
2. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. (Зоҳир Аълам ва Урфон Отажон таржимаси) – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015.
3. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.
4. Раҳмонов Н. “Олтин ёруғ” асари ҳақида. Ўзбек мумтоз адабиётшунослиги антологияси. – Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2016.
5. Раҳмонов Н. Руҳиятдаги нур муроди. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.
6. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011.
7. Бартольд В.В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. Сочинения. V. – Москва: Наука, 1968.
8. Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. – Ленинград: Просвещение. 1972.
9. Бертельс Е.Э. Избранные труды: Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965;
10. Веселовский А.Н. Историческая поэтика / Вступительная статья. Горского И.К. – М.: Высшая школа, 1989.